

УДК. 330.81:342

## КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА МАМЛАКАТИМИЗДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

**Бобоқулов Санжар Баҳронқулович** - и.ф.ф.д., (PhD), доцент в.б. E-mail: [ferdu\\_www@mail.ru](mailto:ferdu_www@mail.ru); ORCID: [0000-0002-1882-1507](https://orcid.org/0000-0002-1882-1507). Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд ш. Ўзбекистон.

**Аннотация:** Уибу мақолада муаллифнинг хорижий мамлакатлар коммунал хизмат кўрсатиши тизими тажрибаси, инфратузилмаси, соҳа механизмидан самараали фойдаланиши орқали республикамиз коммунал хизмат кўрсатиши тизимини ривожлантириши бўйича фикрлар келтирилган ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** коммунал хизмат, коммунал тизим, коммунал, сервис, инфратузилма, уй-жой ширкати, тажриба, сув таъминоти, ақлли уй, иссиқлик таъминоти.

**Annotation:** This article develops the author's thoughts on the development of the housing and communal services system of our republic through the effective use of experience, infrastructure and sectoral mechanisms of foreign countries, proposals and recommendations.

**Key words:** municipal services, communal system, communal, services, infrastructure, housing company, mechanism, water supply, smart house, heat supply.

**Кириши.** Дунё мамлакатларида рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида ҳамда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиши соҳаси аҳоли турмуш даражасини юксалишининг асосий омилларидан бири сифатида қаралади. “Хозирги даврда жаҳонда аҳоли сонини тобора ортиб боришига мутаносиб равишда уй-жой фонди кенгайиб бориши, жумладан, уй-жой 2021 йилда ривожланган мамлакатлардан АҚШда 140,2 млн., Буюк Британияда 247,3 млн., Германияда 47,1 млн., Францияда 41,8 млн., Хитойда 178,7 млн. ва Канадада 138,5 млн. тани ташкил этади” [7]. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиши соҳасининг ривожланиш ҳолати жамият аъзоларининг энг муҳим ижтимоий эҳтиёжларини қондириш асосида уларнинг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш билан бирга мамлакат иқтисодиётида энергия ресурсларининг сезиларли қисмини истеъмол қилаётганлиги туфайли жамият тараққиётининг бугунги босқичида ушбу соҳани ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Коммунал хизмат кўрсатиши соҳасининг ривожлантириш масалалари бўйича А.В.Чечулин, С.И.Шелонаев, Т.В.Сметанина ““Ақлли шаҳар”: Россия давлатини бошқариш тажрибалари ва равнақи” номли илмий мақолада “аклли” бошқарувнинг умумий тамойиллари ва моделлари муҳокама қилиниб, мавжуд хориж тажрибаси ўрганилган. Россия Федерацияси худудлари томонидан “Ақлли шаҳар” лойиҳаларини амалга ошириш бўйича меъёрий-хуқукий база ва дастурлар таҳлили берилган. Мақолада горизонтал ва вертикал моделлар дастурларининг таснифи ҳам таклиф этилган. Шунингдек, худудий субъектлар томонидан “аклли шаҳар” лойиҳаларини амалга оширишни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам ёритилган [2-4].

С.Н.Нормуродов, Д.Х.Мирзабеков, Х.И.Шаймуҳамадиева, Н.О.Одиловалар “Ўзбекистонда уй-жой фондининг ривожланиш тенденциялари” номли илмий мақолада коммунал хизматлар яратиш бўғини бўлмиш коммунал хўжалигини ривожланиш истиқболлари ҳақида фикрлар келтирилган. Шунингдек, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар, уй-жой коммунал хўжалиги, уй-жой хўжалиги ва коммунал хизмат ҳамда уй-жой фондига оид тенденциялар ўрганилиб керакли таклиф ва тавсиялар берилган [5].

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур муаммони тадқиқотининг бир қатор усууллардан фойдаланиш асосида ўрганилган, жумладан, асосан хорижий тажрибаларни монографик

тахлиллар натижаларини монографик тадқиқот, анализ ва синтез, тизимли таҳлил каби иқтисодий усуллар асосида ўрганилиб, ривожланган мамлакатлар тажрибасини мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш тараққиёти бўйича ички имкониятларини очиб беришда аҳамият касб этган.

**Таҳлил ва натижалар.** Бизга маълумки, хорижий мамлакатларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида фундаментал ўзгаришлар 1990-йилларда бошланганлиги эътироф этилади. Шу қаторда ушбу соҳа иқтисодиётнинг табиий монополия қисмини ташкил қиласди. 1990 йилларда Аргентина - 1990 йил, Скандинавия давлатлари -1992, АҚШ (Калифорния) - 1995, Бразилия -1995, Таиланд -1996, Украина -1997, Қозоғистон -1998, Италия, Венгрия ва Молдова -1999, Франция, Греция ва Жанубий Африка-2000 йилларда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотларнинг татбиқ этишган [6].

Тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон Республикасида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими ислоҳотларини шартли равища уч босқичга бўлишимиз мумкин. Бу босқичлар давомида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлиги, коммунал хўжалик тизимида амалга ошириладиган ислоҳотларнинг юксалиши ҳамда ривожланиш жараёнларини кўришимиз мумкин. Бунинг натижасида табиий ресурслар миқдори тежалиб коммунал хизматлар сифатини ошганлигини инобатга олиш лозимdir.

Юқорида келтирилган ислоҳотлар коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини юксалиши, аҳоли турмуш фаровонлигини ортиши ва ресурсларни тежаб ишлатишда натижасини беради. Аммо, соҳада қилиниши керак бўлган ислоҳотлар талайгина. Шунингдек, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кадрларни замонавий усулларда малакасини ошириш, эркин рақобат муҳитини яратиш, давлат хусусий шерикчилик дастури асосида янги юридик субъектлар фаолиятини шакллантириш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини хусусийлаштириш, рақамли коммунал хизматларни ишлаб чиқариш ва меъёрларини асослаш, мавжуд қонунчилик базасини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бунинг учун коммунал хизмат кўрсатиши ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, улардан керакли бўлган усулларни миллийлаштириш, хориж тажрибасидан зарур бўлган тажрибалардан самарали фойдаланган ҳолатда ўз йўналишимизни белгилаб олишимиз лозим.

Хусусан, иқтисодиётни ривожланиши, саноатлаштириш ва иқтисодий тизимнинг инновационлиги даражасидаги фарқлар коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини тизимли равища ўзgartиришга бир неча илмий ва методологик ёндашувни белгилаб берди.

Бу илмий ва методологик ёндашувларга биноан Европа давлатларида коммунал хизмат кўрсатиш тизимида, коммунал уюшмаларга бир қатор имкониятлар берилган бўлиб, унинг шакллари ўзига хосдир:

- коммунал хизмат кўрсатиш субъектлари муваффақиятли корпорацияларга қарз бериш учун даромаддан фойдаланиш имкониятлари;
- хизмат сифатини яхшилаш мақсадида қимматбаҳо уйларни қуриш учун пул сарфлашлари;
- уй-жой мулқдорлари ширкати шаҳар сиёсатига мос келадиган йиллик ҳаракат режасини ишлаб чиқиши мумкин.

Бунақа имконият ва имтиёзлар мамлакатдаги коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иштирок этадиган институтлар бозор секторини мустаҳкамлаш ва ривожига ҳисса қўшади. Бу ҳолат тизимни иқтисодий мустақилликка эга бўлишда устунлик беради, бу эса иқтисодий самарадорликка эришиш ва коммунал хизмат кўрсатиш билан таъминланишининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш учун бозор иқтисодиёти шароитида қўл келади.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини тартибга солиш тизими Америка Кўшма Штатларида ишлаб чиқилган ва кейинчалик амалга оширилган. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш мулқдорлари ширкати глобал ва ички капитал бозорларга йўналтирилган имтиёзли лойиҳаларга молиявий пул оқимини жалб қилиш учун хусусий компаниялар қўлида уй-жой фондини қайта тиклаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган вазифаларни амалга оширишлари мумкин. Ушбу лойиҳаларга давлат тамонидан кам даромадли оилаларга коммунал хизматлар

учун түловлар нисбатан камроқ ва оқилона бўлишини талаб қилишлари, шунингдек, назорат қилиб боришиди [5].

Хориж мамлакатларида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш тажрибасини таҳлил қилиш унинг фаолиятини учта турини аниқлаш имконини берди:

– Англия ва Чили уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини тўлик хусусийлаштириш йўлидан ўтди;

– “Француз модели” узоқ муддатли ижара шартномалари ва тегишли инвестиция шартномалари асосида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимига коммунал мулкни ва уларни хусусий бизнес томонидан бошқаришни ўз ичига олади;

– Германияда коммунал хизмат кўрсатиш соҳадаги корхоналар акционерлик жамиятларига айланди, уларнинг асосий пакети муниципалитетга тегишли бўлди.

Европа мамлакатларидаги аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш механизмлари бошқа мамлакатлар коммунал хизмат кўрсатиш тизимидан фарқ қиласди.

Англияда давлат коммунал хизматларининг нархи Европада энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб, фуқароларнинг имтиёзли тоифаларига лимитлар берилган. Англияда “уйсиз уй” технологиялари кенг тарқалган бўлиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш мақсадида 30 % гача имтиёз берилади. Фақат, истеъмолчи энергияни тежайдиган лампалардан фойдаланиши, минимал энергия сарфини таъминлайдиган майший техникани ишлатиши, алоҳида иситиши қурилмаларидан фойдаланиш орқали коммунал тўловларни амалга ошириши лозим бўлади. Худди шундай ҳолат ҳам бошқа Европа мамлакатларида ҳамда АҚШда ҳам кузатилмоқда [4].

Буюк Британияда коммунал хизматларнинг сифати турли хил ўлчов кўрсаткичлари билан белгиланади. Англияда юзлаб шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш бўлимлари, аввало, ўнта худудий ширкатлар мулкига айлантирилиб, бирлаштирилиб, кейин хусусийлаштирилганлиги мамлакатимиз коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси тараққиёти учун ҳам аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш инфратузилмасини кичик субъектларини хусусийлаштириш, ўрта микёсдаги субъектларни давлат хусусий шерикчилик дастурлари миқёсида шакллантириш, шунингдек, йирик субъектларни давлат тасаруфидан босқичмабосқич чиқариб хусусийлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида коммунал хизмат кўрсатиш инфратузилмасига инвестициялар оқимини ортиши, тизимда модернизация жараёнини янада ривожланиши, кадрлар малакасини ошириш, рақамли коммунал хизматлар миқдорини кўпайиши, кўрсатиладиган коммунал хизматларни сифатини юксалиши ҳамда нархининг пасайишига олиб келади.

Англиядан фарқли ўлароқ, кўпгина Европа давлатларида коммунал хизмат кўрсатиш инфратузилмаси хусусий мулкка ўтказилмади, аммо шаҳар ҳокимияти хусусий компанияларни концессия шартномаси шартларига мувофиқ бошқара бошлади. Шунингдек, хориж мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, уй-жой биноларни сақлаш, харажатлари таркибида ташкилотнинг хизматларини бошқариш қиймати 6-8% бўлиши мумкин, бошқарув кенгаши бошқариладиган ширкатдаги бошқарув харажатларининг улуши 18-20% гача бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунёнинг турли минтақаларида глобаллашув, интеграция, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши турли даражада, чунки, улар иқтисодий, технологик ва ижтимоий ривожланишнинг турли миқёслари билан ажralиб туради. Шу билан бирга, коммунал хизмат кўрсатиш тизимида худудий ва шаҳар даражасида фойдаланиш учун зарур бўлган умумий ёндашувларни ажратиб кўрсатиш зарур. Унга биноан, коммунал хизмат кўрсатиш тизими инфратузилмасини бир маромда ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш, қурилиш ва модернизация қилиш ишларига инвестицияларни жалб қилиш, ижара уйини қуриш ва ривожлантириш каби йўналишларни ривожлантиришни тақоза этади (1-жадвал).

**Аҳолига коммунал хизмат қўрсатиш тизимини бошқариш бўйича хорижий ёндашувлар**

№	Фарқли хусусиятлари	Америка ёндашуви	Франция ёндашуви	Англия ёндашуви	Германия ёндашуви
1	Бошқарув шакли	Юқори даражада расмиятчилик билан бошқариш	Марказлаштирилган бошқарув тизими	Тизимни шаффоффлик билан бошқариш	Марказлашмаган бошқарув тизими
2	Назорат шакли	Федерал томонидан соҳани ташкил этиш ва назорат қилиш	Вазирлик даражасида бюрократик назорат	Ваколатли ташкилотлар томонидан назорат қилиш	Назорат қилувчи маҳсус ташкилотлар томонидан назорат қилиш
3	Қарор қабул қилиш	Секинлик билан қарорлар қабул қилиш	Тизимни нуфузли шахслар томонидан лоббилаштириш ва қарор қабул қилиш	Қарор қабул қилиш масъул ташкилотлар раҳбарлари томонидан қабул қилиниши	Қарорларни қабул қилиш тезда амалга оширилиши

Аҳолига коммунал хизмат қўрсатиш тизимининг хорижий тажрибаси асосида республикамизда коммунал хизмат қўрсатиш тизими комплексини ривожлантиришнинг имкониятлари қўйидагилар билан белгиланади:

–рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида хорижий тажриба асосида “коммунал хизмат қўрсатиш тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегиясини” ишлаб чиқиши талаб қиласидиган миллий иқтисодиётнинг ижтимоий хизмат қўрсатиш тармоқларига хос бўлган коммунал хизмат қўрсатиш тизимини тури сифатида ривожланиши имконияти яратилади [6];

–худудий коммунал хизмат қўрсатиш тизимида ҳозирги кунга қадар ислоҳотлар кўламини миңтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши билан уйғунлаштириш муаммолари мавжудлиги сабабли коммунал хизмат қўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш асосида коммунал хизматлар соҳаси бўйича алоҳида мақсад ва принципларни таъминлаш имкониятларни яратади;

–тадқиқ этилган хорижий тажрибалар худудий коммунал хизмат қўрсатиш тизимида вужудга келган, жумладан, тўпланган муаммоларни бартараф этиш, асосий воситаларнинг жисмоний заифлашуви билан боғлиқ бўлган худуд тармоқ ичидаги номутаносибликларнинг мавжудлиги, қўрсатилаётган хизматларнинг сифатсизлиги, миңтақаларда молиялаштиришнинг этишмаслиги, аҳолига коммунал хизмат қўрсатиш тизимининг бекарорлигини бартараф этишга қаратилган стратегик дастурларни ишлаб чиқишига имкон беради;

–аҳолига коммунал хизмат қўрсатиш соҳа инфратузилмаси салоҳиятини сақлаб қолиш механизmlари ва шарт-шароитлари бўйича ўзгаришларни амалга ошириш бўйича ўрганилган хорижий тажрибалар миңтақаларнинг ривожланишида муҳим ҳисобланган коммунал хизмат қўрсатишнинг инновацион-технологик асосда ривожлантиришга имконият яратади.

**Хуноса.** Юқоридагилардан келиб чиқиб коммунал хизмат қўрсатиш соҳасини хориж тажрибаси асосида ривожлантириш бўйича қўйидаги хуносаларга келинди:

биринчидан, ўрганилган хориж тажрибалари асосида коммунал хизмат қўрсатишнинг инглиз тажрибасини мамлакатимиз миқёсига мос келувчи тажрибаларини босқичма-босқич амалиётга татбиқ этиш;

иккинчидан, мамлакатимизда фаолият қўрсатаётган сув таъминоти коммунал хизмати, иссиқлик таъминоти коммунал хизмати, газ таъминоти коммунал хизмати, электр-энергияси таъминоти коммунал хизмати соҳасида фаолият юритувчи корхоналар ва хусусий уй-жой

мулқорлар ширкатлари фаолиятини давлат хусусий шерикчилик дастурига мувофиқ шакллантириш ҳамда уларни давлат тамонидан қўллаб-қувватлаш;

учинчидан, хорижий тажрибалар асосида кам таъминланган ва ижтимоий муҳтоҷ аҳолини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, истеъмолчиларни рағбатлантириш мақсадида “ижтимоий таъриф”, “имтиёзли таъриф”ларни шакллантириш ва амалиётга тадбиқ этиш асосида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, тизим самарали фаолиятини таъминлаш, қўшимча капитални жалб қилиш ва коммунал хизматлар сифатини ошириш;

тўртингчидан, коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарни ракамлаштириш, молиявий мустақиллик бериш жараёнларини амалиётга тадбиқ этиш орқали ресурсларни тежаш, харажатларнинг камайтириш, коррупция ҳолатларини олдини олиш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини самарали фаолиятини ташкил этишга эришишимиз мумкин.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги ПҚ-5152-сон қарори. Ўзбекистон; Тошкент; 2021 йил 19 июнь,. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони. Тошкент ш., 2022 йил 28 январь, [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
- 3.Чечулин А. В., Шелонаев С. И., Сметанина Т. В. «УМНЫЙ ГОРОД»: КОНЦЕПТ И ОПЫТ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В РОССИИ //Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета. – 2021. – №. 5 (131). – С. 60-65.
4. М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев “Хизматлар соҳаси иқтисодиёти”. Ўқув кўлланма. “IQTISOD-MOLIYA”, 2014 йил. 384-б.
5. Н.Қ.Жўраева “Уй-жой коммунал хизматлари соҳаси фаолиятини бошқариш механизmlарини такомиллаштириш”. Халқаро назарий ва амалий тадқиқотлар журнали. 2022. Т. 2. №4. <https://alferganus.uz>
6. Ш.П.Шаймардонова “Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари” GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS: CENTRAL ASIA (СМ. В КНИГАХ) Учредители: Объединения юридических лиц в форме ассоциации “Общенациональное движение”, “Бобек” ISSN 2664-2271
7. <https://www.statista.com>